

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**580 «Ўзбекистон кўмир саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа-
халаш институти» масъулияти чекланган жамият
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, пухта лойиҳа базасини шакллантириш ва кўмир конларини, муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш, ишлаётганларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш, кўмир саноати корхоналарини техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш ҳисобига кўмир саноатини янада барқарор ва мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Кўмирлойиҳа LTD» масъулияти чекланган жамият қатнашчиларининг умумий йиғилишида:

«Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятини устав фондидаги камида 51 фоиз миқдоридagi улуш билан «Кўмирлойиҳа LTD» масъулияти чекланган жамият муассислари таркибига киритиш;

«Кўмирлойиҳа LTD» масъулияти чекланган жамиятни Ўзбекистон кўмир саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда «Ўзкўмирсаноат ИТЛИ» масъулияти чекланган жамият деб аталади) деб қайта номлаш ва унинг ходимларининг чекланган сони 94 та штат бирлигидан, шу жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари сони — 11 нафардан, асосий ишлаб чиқариш ходимлари сони — 73 нафардан ва ёрдамчи ходимлар сони — 10 нафардан иборат бўлган ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамияти ва «Кўмирлойиҳа LTD» масъулияти чекланган жамиятнинг қуйидагиларни «Ўзкўмирсаноат ИТЛИ» масъулияти чекланган жамиятнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин:

кўмир конлари ва разрезларини қуриш, ишлаётганларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш, шунингдек кўмир саноати объектларини техник жиҳатдан реконструкция қилиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда кўмир разрезлари билан комплекс тарзда қуриладиган участкаларнинг бош схемаларини тузиш;

ресурсларни қазиб олиш саноатига йўналтирилган, шу жумладан ўз фаолиятини «Ангрен» МИЗ ҳудудида амалга оширадиган корхоналар объектларини қуриш, модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш бўйича техник, технологик ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

лойиҳалаштирилаётган объектлар ҳудудларида муҳандислик изланишларини бажариш, шу жумладан очик кўмир конларида геомеханик тадқиқот-

ларни, шунингдек кўмир разрезлари бортларининг барқарорлигини кузатиб бориш бўйича геодезия ишларини амалга ошириш;

кўмир разрезларининг гидрогеологик ҳолатини, шу жумладан сувли қатламларнинг филтрлаш параметрларини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда ер юзасидаги сувларни тўплаш ва кўмир разрезларидан ташқарига чиқариб ташлаш бўйича лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш;

кўмир саноати иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришини бошқариш, кўмир маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш соҳасида лойиҳа-қидирув ишларини ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар «Ўзқўмирсаноат ИТЛИ» масъулияти чекланган жамиятни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, лойиҳа-қидирув ва лойиҳалаш ишларини амалга ошириш, лойиҳаларни амалга оширишни техник жиҳатдан кузатиб бориш учун ажратилган буюртмачилар маблағлари;

конун ҳужжатларига мувофиқ унинг ўз фаолиятидан олган даромадлари; халқаро молия ва донор ташкилотларнинг грантлари;

вазирликлар ва идораларнинг уларнинг буюртма-буюртманомалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун ажратиладиган маблағлари;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар.

4. «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик жамияти ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик жамияти томонидан бош офиси ижара шартларида Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй манзилида жойлашган «Ўзқўмирсаноат ИТЛИ» масъулияти чекланган жамият филиалини жойлаштириш учун Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган бинони «Ўзқўмирсаноат ИТЛИ» масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондидаги «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик жамияти улуши ҳисобига бозор қиймати бўйича бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 30 октябрь,
292-сон